

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАҲСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ФАЛСАФА ФАКУЛЬТЕТИ  
“МИЛЛИЙ ҒОЯ, ҲУҚУҚ ВА МАҶНАВИЯТ АСОСЛАРИ”  
ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ 4-КУРС ТАЛАБАСИ

**АСТАНАҚУЛОВА НАРГИЗА**

**“ЁШЛАРДА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ШАКЛАНТИРИШНИНГ  
АХЛОҚИЙ АСОСЛАРИ”**

**мавзудаги**

**МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ**

**Тошкент - 2009**

## МУНДАРИЖА

**КИРИШ.....**

### **1-БОБ. ҲУҚУҚИЙ ВА АХЛОҚИЙ МАДАНИЯТ ТУШУНЧАЛАРИНИНГ МОҲИЯТИ ҲАМДА ЎЗАРО АЛОҚАДОРЛИГИ**

1.1 “Ҳуқуқий маданият” тушунчасининг моҳияти ва аҳамияти

1.2 Ҳуқуқий маданиятни тарғиб қилишнинг зарурияти

### **2-БОБ. ҲУҚУҚ ВА АХЛОҚНИНГ МАҶНАВИЯТ ТИЗИМИДАГИ ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ**

2.1. Ҳуқуқий ва ахлоқий маданият ўзаро алоқадорлигининг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти.

2.2. Ўзбекистонда аёллар ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг ахлоқий жиҳатлари

**ХУЛОСА.....**

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....**

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарбилиги.** Демократик ҳуқуқий давлатни вужудга келтиришнинг илк ва асосий шартларидан бири жамият аъзоларида зарур даражадаги ҳуқуқий маданиятни шакллантиришdir. Жамият ижтимоий ҳаётининг туб ислоҳ этилишини шакллантириш учун шарт-шароитларни яратиб бермоқда, инсонларнинг ҳақ-хуқуқларини кафолатламоқда. Президент И.А.Каримов ҳуқуқий маданият мавзусига тўхталиб, “.... ҳар бир киши ўз ҳуқуқларини аниқ ва равshan билиши, улардан фойдалана олиши, ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қила олиши лозим. Бунинг учун, аввало мамлакатимиз аҳолисининг ҳуқуқий маданиятини ошириш лозим.”<sup>1,,</sup>

Президентимизнинг 1997 йил 25 июнда “Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолијнинг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш тизимини такомилаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ҳақида”ги Фармонига<sup>2</sup> кўра бу борада олиб борилаётган ишлар давлат сиёсатиниг асосий йўналишларидан бири эитб белгиланди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августда тасдиқланган “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалириш Миллий дастури”нинг қабул қилиниши ҳам бу масаланинг қай даражада жолзарб эканлигини кўрсатади.

Бугунги кунда ёшларнинг ҳуқуқий маданияти даражасини талабга тўла жавоб беради, деб айта олмаймиз.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ва манфаатларини таъминлаш. Ижтимоий ҳаётни демократлаштириш учун шарт-шароитлар яратиш ва ҳуқуқий давлат асосларини шакллантириш ўз навбатида ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш нақадар долзарб муаммо эканлигини кўрсатади.

Камолотга етаётган ёшлар башариятга сабоқ берувчи бой давлатчилигимиз тарихи, халқимизнинг ўтмишини чуқур билмоғи, уларни ўзи учун ахлоқ ва интизом нормалари қилиб белгиламоғи ёшларда ҳуқуқий

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Тошкент: Ўзбекистон. 1999. –31 б.

<sup>2</sup> Қаранг: “Халқ сўзи” газетаси. 1997 йил, 26 июнь.

маданиятни шакллантиришнинг биринчи манбаидир.

Иккинчи манба эса халқимизнинг бой ҳуқуқий мероси, миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳамда ахлоқий меъёрлардир.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий саводхонлик муаммоларини ўрганиш масаласи долзарб илмий муаммолардан ҳисобланиб келинган. Бугунги кунда давлат ва ҳуқуқ назарияси мустақил илмий йўналиш сифатида ҳуқуқий маданият назариясини шакллантириш юзасидан фаол ишлар олиб борилмоқда. Бу назарияни ривожлантиришда фундаментал умумназарий ишлар асосан ҳуқуқни, ҳуқуқий онгни ҳаётимизнинг фалсафий, ижтимоий-сиёсий муаммоларига бағишлиланган ишлар катта таъсир кўрсатмоқда. Ҳуқуқий маданиятни алоҳида ишлаб чиқишига бағишлиланган бир қатор илмий тадқиқот ишлар мавжуд. Бу борада У. Тожихонов, А.Саидов, Э.Абзалов, О.Каримова, Э.Халилов, З.Исломов. Р.Махмудовларнинг ишларини алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин.<sup>1</sup> Бу борада юридик фанлари доктори, профессор У.Тожихонов ҳуқуқий маданиятни субъектив жиҳатига кўра қуидагиларга ажратиб кўрсатади:

- жамиятнинг ҳуқуқий маданияти;
- ижтимоий гурухларнинг ҳуқуқий маданияти;
- юридик шахсларнинг ҳуқуқий маданияти;
- меҳнат жамоаларининг ҳуқуқий маданияти;
- мансабдор шахсларнинг ва фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Қаранг: Тожихонов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. –Тошкент: Ўз.Р. ИИВ Акад. 1998; Абзалов Э.М. Правовая культура и правонарушение молодёжи. –Ташкент: МВД Руз. 1997; Каримова О. Ҳуқуқий тарбия методикаси. –Тошкент: ТДПУ. 2000; Халилов Э. Ижтимоий турмушда ҳуқуқий онгнинг ўрни. – Тошкент: Ўзбекистон. 1999; Иломов З. Из истории теорий политикио-правовых реформ. –Ташкент. 1999; Махмудов Р. Ҳуқук ва маданият. –Тошкент: Ўзбекистон. 1994.

<sup>2</sup> Тожихонов У. Ўзбекистонда мустақил давлатчиликнинг ҳуқуқий-маънавий муаммолари.-Тошкент: Ўз.Р ИИВ Академияси. 1996. –Б.111-112.

Э.М.Абзаловнинг тадқиқотларида ҳуқуқий маданиятнинг мазмун ва моҳиятини очиб бериб, уни уч жиҳатнинг бирлиги, яъни ҳуқуқни билиш. Уни хурматлаш, ҳамда ҳуқуқ нормаларига риоя этишнинг бирлиги тарзида талқин қиласди.<sup>1</sup>

**Ишнинг мақсади ва вазифалари.** Республикализнинг ўзига хос ва ўзига мос истиқлол йўли жамият ҳаётининг барча соҳаларини ўзаро мутаносиблиқда, уйғун ва тадрижий асосларда узлуксиз ривожлантириши тақазо этади. Бу тизимда фуқароларнинг, жамиятнинг ҳуқуқий аданиятини ошириш муаммоси улкан ижтимоий, сиёсий аҳамиятга эгадир. Айниқса, ёшларда ҳуқуқий маданиятн шакллантириш бу борада ўзининг долзарблиги билан ажралиб туради.

Ана шуларни назарда тутган холда бугунги кунда ёшларнининг ҳуқуқий маданияти муаммоларини назрия ва амалиётини биргалиқда – комплекс ўрганишга шунингдек, талабалар ҳуқуқий тарбиясини амалга ошишини таъминловчи энг қулай самарали ўл ва фикрларни кўриб чиқиб, бу тарбиянинг моҳияти ва ўзига хос томонларини, жараёнларини ўрганишни ва илмий жиҳатдан тахлил этишни малаквий битирув ишимизнинг асосий мақсади қилиб белгиладик.

Ушбу мақсаддан келиб чиқсан холда қўйидагилар асосий вазифа қилиб белгиланган:

- ёшлар ҳуқуқий маданияти тушунчасининг моҳиятини ва ўзига хос томонларини аниқлаш;
- ёшларда ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг ўзига хос томонларини ўрганиб чиқиши;
- ёшларда ҳуқуқий тарбияни шакллантиришда ахлоқий тарбия тизимини тақомиллаштирунинг зарурый меъёрларини ўрганиш;
- ҳуқуқий тарбиянинг ахлоқий асосларин илмий тадқиқ этиш.

### **Илмий янгилиги:**

- ижтимоий тараққиётда ҳуқуқ билан ахлоқ ўртасидаги алоқадорлик

---

<sup>1</sup> Абзалов Э.М. Проблемы формирования правовой культуры молодёжи. Автореф. Канд. Юрид. Наук. – Ташкент. 2000.

узвий эканлиги илмий тахлил қилинди;

- хуқуқий маданият билан ахлоқий маданият норма ва меъёрлари қиёсий ўрганилди;

- хуқуқий тарбия билан ахлоқий тарбиянинг самарали мезонларини ёшлар маънавий оламига таъсири тахлил этилди.

**Тадқиқотнинг назарий ва методологик асослари.** Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида илгари сурилган ғоялар, нутқларида баён этилган фикрлар ҳамда миллий истиқлол ғоясини ёшлар онгига сингдиришга доир Фармонлар, Олий Мажлис қонунлари, шунингдек, ёшларда хуқуқий ва ахлоқий маданиятни юксалтириш билан боғлиқ хукумат қарорлари тадқиқотимизни назарий асосларини ташкил этади.

Тадқиқотнинг методологик асосини қиёслаш, моделлаштириш ва умумлаштириш методлари ташкил этди.

**Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти.** Ишнинг назарий асосларидан тарбиявий жараёнлар билан шуғулланувчи тизимларда, хуқуқ ва ахлоқ уйғунлигини талаб этадиган ижтимоий ҳаёт соҳаларида эътиборга олиш мумкин.

**Тадқиқотнинг тузилиши.** Малакавий битирув иши “Кириш”, 4 та параграфни ўз ичига олган 2 та боб, “Хулоса” ҳамда “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати”дан иборат бўлиб, унинг умумий хажми .... бетни ташкил этади.

## **1-БОБ. ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИНГ ЖАМИЯТ ИЖТИМОИЙ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ ВА ЗАРУРИЯТИ**

### **1.1 Ҳуқуқий маданиятнинг моҳияти ва аҳамияти**

Ҳуқуқий маданият – кенгқамровли тушунча ҳисобланади. Ҳуқуқий онг эса ҳуқуқий маданиятнинг ғоят муҳим таркибий қисмларидан бири бўлиб, у энг аввало, одамларнинг қонунга нисбатан муносабатини ифодаловчи қарашлари ва эътиқодларидан, уларнинг ҳуқуқ тўғрисидаги тасаввурларидан, интилишлари ва туйғуларидан иборатdir.

Ҳуқуқий онг даражаси фуқароларнинг янги қонунлар қабул қилиш, давлат органларининг қонунни қўллаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш фаолияти билан боғлиқ фикрлари ва кайфиятларини, уларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларга нисбатан муносабатини белгилайди. “Ҳуқуқий маданиятнинг юқори даражада бўлиши ҳуқуқий давлатнинг ўзига хос хусусиятидир,- деб таъкидлаган эди Президент И.А.Каримов, - Бозор иқтисодиётини шакллантириш шароитида ҳуқуқий маданиятни ошириш муҳим иш ҳисобланади. Шу билан бирга ҳуқуқий маданият савияси қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки ушбу қонунларнинг барча даражаларда ижро этилиши билан белгиланади. Ушбу муҳим ишда одамларда қонунларга ва норматив ҳуқуқий хужжатларга нисбатан чуқур ҳурмат ҳиссини тарбиялаш алоҳида аҳамиятга эгадир. Зеро, ҳуқуқий нормалар одамлар онгига сингган ва улар орқали амал қилган тақдирдагина яшайди ва рўёбга чиқади»<sup>1</sup>

Шахснинг ҳуқуқий онги турли объектив ва субъектив омиллар таъсирида зиддиятлидир. У бир текис ривожланмайди, балки, у бир вақтнинг ўзида ҳам ижобий, ҳам салбий қарашлар ва эътиқодларни қамраб олади. Шахснинг ҳуқуқий маданияти умумэътироф этилган ижтимоий қадриятлар

нуқтаи назаридан қараганда, индивидуал қарашлар, баҳолар, сабаблар, ҳуқуқий йўл-йўриқлар бўлиб, улар ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган қонуний ҳамда ижтимоий фаол ҳаракатга асос бўлади. Шахснинг ҳуқуқий маданияти - ҳуқуқий онгни аниқ мақсадни кўзлаб тарбиялаш натижаси, унинг энг юқори босқичидир.

Ҳуқуқшунос олима Раъно Турдибоева талаба-ёшларнинг ҳуқуқий маданияти деганда – уларнинг ҳуқуқий саводхонлик даражаси, қонунларга бўлган ҳурмати, ҳуқуки нормаларни ижро этиш, ҳаётга тадбиқ эта олиш кўниkmаси, ҳуқуқбузарларга нисбатан муросасизлик, ҳуқуқий фаоллик ҳамда ташаббускорлик даражасини тушуниш кераклигини уқтиради.<sup>1</sup> Яна бир олим А.Ф.Никитин эса ҳуқуқий маданият тушунчасига таъриф бериб, унинг моҳиятини очиб берар экан, ҳуқуқий маданият нима, у қандай қандай бўлимлардан ташкил топганлигини билиш учун уни бино шаклида тасаввур этишни таклиф этади ва бу бинони уч қаватдан иборат, деб кўрсатади. Жумладан, бинонинг биринчи қаватига ҳуқуқий билимлар ва улардан фойдаланиш олишни жойлаштиради. Иккинчи қаватига ҳуқуққа бўлган муносабатни ва ниҳоят учинчи қаватга ҳуқуқий мазмунга эга бўлган вазиятларда шахснинг фаолияти ва хулқ-атворни киритади. Ҳар қандай бино сингари ҳам бу уйнинг ҳам пойдевори мавжуд бўлиб, уни ахлоқий ва мафкуравий, сиёсий қарашлар, эътиқодлар ташкил этишини таъкидлайди.<sup>2</sup>

Узбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 1997 йил 20 майда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи муассасалар раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда сўзлаган нутқида ҳамма фуқаролар ҳам етарли даражада ҳуқуқий онгга эга эмасликлари, ахборот олишда ижтимоий фаоллик кўрсатмаётганликлари республикада жамиятнинг ҳар бир аъзоси ҳуқуқий билимларни ҳеч бўлмаганда энг асосийларини ўзлаштириб олиши учун ҳамда аҳоли турли ижтимоий гуруҳларининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда табақалаштирилган ҳуқуқий маориф учун амалий механизм

<sup>1</sup> Турдибоева Р. Ҳуқуқий маданият ва ёшлар. // Ҳукуқ-Право. 1998. №4. –Б. 18-21

<sup>2</sup> Қаранг: Никитин А.Ф. Что такая правовая культура? –М.: Просвещение. 1998. –С.23-26.

яратилмаганлиги, мансабдор шахслар томонидан фуқароларнинг хуқуқ ва қонуний манфаатлари камситилиш ҳоллари кўпинча хуқуқий билимларнинг етарли эмаслиги, хуқуқий маданият даражаси пастлиги туфайли юз бераётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтган эди.

Худди шу сабабга кўра хукуқлари камситилган фуқаролар аксарият ҳолларда ўз хукуқларини ҳимоя қилишнинг қонунда назарда тутилган механизмидан, шу жумладан, мансабдор шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан судга шикоят қилиш имкониятидан фойдаланмайдилар. Айнан хуқуқий маданиятнинг етарли эмаслиги айрим фуқароларнинг ижтимоий фаоллиги паст даражада бўлишининг асосий сабабидир.

И.Каримов ўз нутқларида илгари сурган ғоялар Республика Президентининг «Хуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолини хуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, хуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги Фармонида, шунингдек, биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўқизинчи сессиясида қабул қилинган «Жамиятда хуқуқий маданиятни ошириш милий дастури»да, айниқса, ўз ривожини топди.

Ёшларининг хуқуқий маданияти ва хуқуқий онгини шакллантириш, мустақил дунёқарашга эга, аждодларимизнинг бебаҳо мероси ва замонавий тафаккурга таяниб яшайдиган баркамол шахс – комил инсонни тарбиялаш масаласи хукуматимизнинг доимо диққат марказида бўлиб келмоқда. Президент Ислом Каримовнинг 2000 йил январда бўлиб ўтган Иккинчи чақири Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида сўзлаган нутқида маънавий-ахлоқий ҳамда суд-ўуқуқ соҳаси олдида турган вазифалар ҳақида гапириб, “Аҳолимиз, айниқса ёшларнинг хуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастурини кенг кўламда амалга оширишга алоҳида эътибор бериш зарур, деб ўйлайман. Токи ҳар бир фуқаро ўз ҳақ-хукуқларини билсин ва ҳимоя қилсин”-деб атйган

эди.<sup>1</sup>

Хуқуқшунос олим З.Исломов. “Хуқуқий маданият – кенг кўламли, маънодор тушунчадир. Унинг тахлили маҳсус тадқиқот мавзусини тақазо қилиши мумкин ва бу табиий”, -деб қўрсатса, “ёшларнинг хуқуқий маданияти” деган тушунчага таъриф бериб, бу соҳа мутахассилари шуни алоҳида қайд этишадики, “Ёшларнинг хуқуқий маданиятини муайян тарихий тушуниш, унда бу ташунча тузилиши ва келиб чиқиши жиҳатидан предметнинг субъектив мазмунини такрорлайди, ёшларнинг хуқуқий маданиятини ижтимоий онг шаклларидан бири, деб тушунишни истисно этмаслиги у ёқда турсин, хатто тақазо этади ҳам”<sup>2</sup>.

Ёшлар хуқуқий маданияти мазмунининг асосий унсурларидан бири – бу юридик хуқуқ ва мажбуриятларга субъектив-рухий муносабат, хуқуқий фаолият двомида уларни амалга оширилишидир. Талабаларнинг хуқуқ ва мажбуриятларга бўлган муносабати хуқуқий ҳаётнинг барча ҳодисаларини баҳолашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Хуқуқий маданиятга хуқуқ, эркинлик ва мажбуриятлар орқали ёндошиш, хуқуқий маданиятни ёшларнинг хуқуқий соҳадаги фаолиятининг муҳим усусларидан бир эканлигини қўрсатади.

Ёшларнинг хуқуқий маданияти ҳақида гап борганда, биринчидан унинг ўз хуқуқ, эркинлик ва мажбуриятларини билиши, тушуниши ва тўғри англаши, баҳолаши учун, иккинчидан эса улардан амалий фаолиятида фойдаланиши ҳақида сўз юритиш жоиздир. Уларнинг хуқуқий маданияти асосий ва ўзига хсо томонлари қўйидаги кўринишларда ўз аксини топади:

Биринчидан, ёшларнинг хуқуқий саводхонлиги, яъни хуқуқий билимларни ўзлаштириб олиш, юридик маълумотларга эга бўлишдир. Бироқ, хуқуқий саводхонлик, бу фақат маълум бир хуқуқий нормалар, хуқуқ тармоқлари ҳақида маълумотга эга бўлишгина эмас, балки турли хил хуқуқий кўринишлар, давлат ва жамият ҳаётининг хуқуқий асосларининг

<sup>1</sup> Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. –Тошкент: Ўзбекистон. 2000. –334 б.

<sup>2</sup> Таджиханов У., Саидов А. Хуқуқий маданият назарияси. –Тошкент: Т.2. ЎзР ИИВ Академияси. 1998. – Б.181-182.

ривожланиши тўғрисида ҳабардорлик ҳам демакдир.

Иккинчидан, ёшларда қонунларга бўлган чукур хурматни шакллантиришдир. Қонунга хурмат билан ёндошиш, бу хурматни амалда намоён этишнинг ўзи ҳукуқий маданиятнинг олий даражада намоён бўлишидир.

Учинчидан, қонунга итоткорлик. Ёшларнинг қонунга итоткорлиги уларнинг юксак ҳукуқий онглилик, жамият ва давлат манфаатларини чукур тушуниб етиб, ижтимоий бурч, давлат ва жамият олдидаги жавобгарлик туйғуларида намоён бўлади. 2000 йил Тошкент шаҳридаги бир қатор олий таълим муассасаларида олиб борилган соиологик сўровнома натижаларига кўра, “Нима сабабдан инсонлар қонунларга амал қилишади?” деган саволга 39,2% респондент “Жазоланишдан ўрқанликлари учун” деб жавоб беришган. Қолганларнинг бир қисми қонунни бузиш мумкин эмаслигини, жамият ёки одамлар уни муҳокама қилишдан қўрқишини ва бошқа сабабларни кўрсатишган. Ҳолбуки қонун жамиятимиз фаровонлигини таъминловчи, халқ иродасини ифода этувчи куч сифатида эканлигини англашетмайдилар. Шу сабабли ёшлар қонун нормаларига жазоланишдан қўрқиб эмас, балки ихтиёрий равишда амал қилишлари зарур. Бу уларнинг ички эътиодларига айланмоқлари лозим.

Тўртинчидан, ёшлар ўзларининг олган, ўзлаштирган ҳукуқий билимларини ҳаётга тадбик эта олишлари, ёшлар ҳукуқий маданиятининг ўзига хос томонларидан биридир.

Бешинчидан, ёшларда юксак даражадаги ҳукуқий фаолликн ошириш. Ҳукуқий фаоллик шахсни фаол ҳаётий позицияда туришга ундовчи омиллардандир.

## **1.2 Фуқаролик жамиятида ҳукуқий маданият тарғиботининг зарурияти**

Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг

кўлами ва самараси аҳолининг ҳуқуқий маданиятига боғлиқдир. Ушбу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1997 йили 29 августда “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури” ни қабул қилди. Шу дастурни ҳаётга тадбиқ этишда талаба ёшлар ҳам фаол қатнашмоқда. Тадқиқотларимиздан маълум бўладики, бу ўринда биринчидан, талаба ёшларнинг ўзида ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, иккинчидан, уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигидан, маҳсус билимларидан аҳоли ҳуқуқий онгини юксалтиришда фойдаланиш муаммоси пайдо бўлади. Шунинг учун ушбу фаолият субъектлардан маҳсус юридик билимни, тайёргарликни тақозо этади.

Ўзбекистонда юридик таълимни, у орқали аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга халқаро ташкилотлар ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келган. Жумладан, ҳар йили Филлип Жесепп кубоги бўйича АҚШ ҳуқуқшунослар Ассоциацияси халқаро мусобақалар ўтказиб келинганлигини алоҳида қайд этиш мумкин. Хусусан, 2004 йили Ўзбекистондан ушбу мусобақада 200 ёш талаба-юристлар қатнашди. Низомга мувофиқ ғолиблар дастлаб ҳудудларда, кейин республика миқёсида аниқланади, якуний мусобақа эса Вашингтонда ўтказилади. Ғолиб деб топилган талабанинг Америка Кўшма Штатига бориб келиши, у ерда тажриба орттириши, меҳмонхонада туриши билан боғлиқ барча ҳаражатларни ҳуқуқшунослар Ассоциацияси ўз зиммасига олади.

Хозирги даврда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш фуқаролик жамияти барпо этишнинг шартларидан биридир. Шунинг учун ҳуқуқий-маърифий тарғибот учун зарур асосий ҳаражатларни давлат ўз зиммасига олаётганлиги мамлакатимизда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга давлат сиёсати даражасида эътибор берилаётганлигини кўрсатади. Айниқса ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ўстириш, уларни ҳар томонлама камол топтириш ишларини рағбатлантириш масалалари ҳукуматимизнинг алоҳида эътиборидаги масалаларданdir.

Ўсмирлар ва болалар ўртасида олиб борилаётган ижтимоий-

тарбиявий тадбирларда хуқуқий маданият тарғиботи билан боғлиқ бир қатор тадбирларни алоҳида қайд этиш мумкин. Бу эса биринчидан, тарбия обьекти-болалар ва ўсмирларга қаратилган бўлса, иккинчидан, ушбу жараён талабаларнинг ўзида маънавий-хуқуқий маданиятнинг шаклланишига ёрдам беради. Айниқса, педагогика йўналишидаги олий ўқув юртлари талабаларнинг аҳоли турар жойларида, болалар ва ўсмирлар ижоди марказларида, ёзги дам олиш масканларида, илмий, бадиий ижод ўюшмаларида олиб бораётган фаолиятлари ранг-барангдир.

Шуни таъкидлаш лозимки, ёшлар орасида хуқуқий маданиятни тарғиб этишнинг зарурияти уларнинг ижтимоий-ихтиёрий фаолияти орқали намоён бўлади. Бирок, айрим ёшларда ҳатто ўзининг моддий аҳволини яхшилашга ёрдам берувчи ишларда қатнашига қизиқиши йўқлигини кузатиш мумкин. Бу ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари юзасидан олиб борилган социологик тадқиқотлар асосида кузатилган натижаларда ўз ифодасини топган. Жумладан, респондентларнинг 87% га яқини моддий ёрдамга эҳтиёжманд эканини эътироф қилган ҳолда, волонтёрлик ҳаракатида қатнашишни ёки дарсдан кейин бирор иш билан шуғулланиб пул ишлашни (52%) “ўқишига халақит беради” деб ҳисоблайди. Уларнинг деярли 92% га яқини оиласидан, ота-онасидан мунтазам равишда моддий ёрдам олиб туради.

Респондентларнинг мазкур жавоблари ёшларларнинг умумий маънавий-хуқуқий ҳаётини тўла акс эттиради, деб бўлмайди, Чунки улар талаба ёшларнинг меҳнатга муносабатига тааллуқлидир. Аммо меҳнатга муносабат, ота-онага қарам бўлиб қолиш, кучи, вақти ва имкони бўла туриб, ижтимоий фойдали меҳнатда қатнашишга бефарқлик уларнинг нафақат маънавиятга, айни пайтда ёшларнинг хуқуқий маданияти такомилига ҳам таъсир этмай қолмайди. Зоро, ёшларнинг хуқуқий маданияти жамият ҳаётидаги ўзгаришлар бевосита давлатнинг қўллаб-куватлаши билан боғлиқ жараёнлар таъсирида шаклланади, ижтимоий ҳимоя билан талаба ёшларнинг ижтимоий фаоллиги уйғунлашиб, жамиятда хуқуқий маданиятининг қарор

топишига олиб келади.

Шунингдек, Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини ўрганиш республика “Ижтимоий фикр” маркази томонидан “Мустақил Ўзбекистон ёшларининг маънавий-ахлоқий қадриятлари, ижтимоий йўналишлари ва ҳаётий позицияларини аниқлаш” мақсадида ўтказилган сўровнома натижалари мавзуга оид маълум бир муаммолар ҳам борлигини кўрсатади. “Сиз Ўзбекистон-келажаги буюк давлат эканлигига ишонасизми?”, деган саволга респондентларнинг 92,0 % ижобий жавоб берган. “Қайси касбни эгалламоқчисиз?”, деган саволга қўйидагича жавоб олинган: ўқитувчи -13,7 %, шифокор – 13,1 %, иқтисодчи – 10,6 %, ҳуқуқшунос – 10,2 %, дипломат - 8,4 %, банкир -7,6 %, мененжер -3,3 %, агроном -1,2 %, фермер -1,1 %. Олий ўқув юрти талабалари эса касб танлашда сиёсий фаолиятни (17,5 %), даромадли соҳани (13,2 %), катта бизнесни (27,5 %), фан ва санъатни (17,7 %) танлаш зарур деб биладилар.<sup>1</sup> Албатта, мутахассисликни танлаш ёшларнинг ҳуқуқий маданиятига таъсир этмай қолмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августдаги 466-сонли қарори билан тасдиқланган «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури»да белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан мамлакатимизда бу борада ўтказилаётган тадбирларни алоҳида қайд этиш мумкин. Республикамиз вилоятларидағи «Ўқувчилар ижодиёт маркази»да, ИИБ, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ЁИҲ билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирлар ҳамда таълим муассасаларида маҳсус курсларни жорий этилиши, «Сиз Ўзбекистон Республикаси Конституясини биласизми?» мавзуидаги тест синовларини ўтказилиши, «Мен депутат бўлмоқчиман» мавзусида интеллектуал кўриқ-танлов, «Сиз қонунни биласизми?» мавзусидағи танловлар ўтказилиши ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлар фаоллигини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, вазифаларни бажариш ҳамда муаммоларни бартараф этишлари ва ҳуқуқий саводхонликларини ошириш борасида 70 соатга

<sup>1</sup> Қаранг: Отамуродов С. Талаба ёшларнинг миллий ўзлигини англаши // Ижтимоий фикр. 2000. №1-2. Б. 158.

режалаштирилган махсус ўкув ташкил этилиши ҳам ёшларнинг хуқуқий маданиятини ўстиришда муҳим омил бўлиб хизмат қиласди.<sup>1</sup>

Қонунга итоат этиш хуқуқий маданиятнинг асосидир, яъни хуқуқий маданиятли шахс қонунларни нафақат била-ди, балки қундалик иш фаолиятида, ҳаттоқи, оилавий муносабатларда уларга амал қиласди. Жамиятимиз аҳолининг хуқуқий маданиятини ошириш масаласини устувор қўйиб, бунда қонунга кўр-кўрона итоаткор бўлишни эмас, балки фуқароларнинг қонунларга битилган нормаларини онгли ра-вишда бажарилишидан манфаатдордир. Шу боис фуқароларимизнинг қабул қилинаётган ҳар қандай қонун ҳужжатлари, Президент фармонлари ва хукумат қарорлари маъноси ва аҳамиятини англаб етишлари катта аҳамиятга моликдир. Аммо янада муҳими шундаки, бу уларнинг эътиқодига ай-ланиши керак, зоро, ана шундагина фуқаро ўзининг ҳаётий фаолиятида қонун нормаларига маънан ёки жисмонан жазоланишдан, хуқуқ-тарғибот органлари олдида жавоб бериш-дан қўрқиб эмас, балки ихтиёрий равишда, онгли равишда амал қиласди. Мана шундагина ҳақиқий юксак хуқуқий маданият, хуқуқий онгнинг муносиб даражаси ҳақида хулоса чиқариш мумкин бўлади.

Президентимиз И.Каримов ўз нутқларида илгари сурган ғоялар Республика Президентининг «Хуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолини хуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, хуқуқшунос кадрларни тайерлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги Фармонида, шунингдек, биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида қабул қилинган «Жамиятда хуқуқий маданиятни ошириш милий дастури»да, айниқса, ўз ривожини топди. Бу дастурнинг мақсади кенг қамровли, доимий амал қиласиган хуқуқий маданиятни шакллантириш тизимини яратишдан иборатдир. Токи аҳолининг барча қатламлари хуқуқий саводдарини оширсин, хуқуқий онг соҳасида юксак

---

<sup>1</sup> Хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни юксалтириш давр талаби /Услубий кўлланма. Фарғона. “Фарғона” нашриёти. 2007. -64 б.

даражага кўтарилисин, ҳуқуқий билимларини кундалик турмушда қўллай оладиган бўлсин. Бошқача айтганда, жамиятда фуқаро ҳуқуқ ва эркинликлари таъмин қилинганидагина у ҳуқуқий, чинакам фуқаролик жамиятига айланади. Бунинг учун ҳуқуқий маданиятини ошириш керак.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, олиб борилаётган тадбирлар натижасида фуқароларнинг қонунларга бўлган муносабати, ўз ҳуқуқларини англаш, талаб этиш каби масалалар аста-секин ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Бироқ, фуқаролар орасида ўз ҳуқуқларини билмаслик, ҳуқуқий маданиятсизлик, қонунларга беписанд муносабат, ҳуқуқий саводсизлик холатлари хам учраб турибдики, бу бевосита жиноятчиликни кўпайиб боришига сабаб бўлмоқда.

Юзага келган ҳолатнинг сабаблари, бизнингча қўйидагилардан иборат:

- сўнгти йилларда рўй берган ва кўпгина ижтимоий институтларнинг моҳият-мазмунини ўзгартириб юборган ижтимоий воқелик тадқиқотчиларнинг илгари таъриф берилган умумназарий ва амалий ҳуқуқий тарбия категорияларидан воз кечишга мажбур қилди;

- ёшлар ўртасида жиноятчилигининг тўлиқ статистикаси мавжуд эмас. Бу эса, ўз навбатида, мазкур ҳодисанинг динамикаси, қонуниятлари ва корреляцион алоқаларини аниқлаш, уларга асосланган ҳолда жиноятчиликни прогноз қилиш имконини бермайди;

- ҳар қандай ижтимоий-салбий ҳодисани ҳуқуқий тадқиқ қилишдан мақсад унинг жамиятга салбий таъсирини камайтиришдан иборат. Шу сабабли жиноятчиликнинг олдини олиш соҳасидаги амалий аҳамиятга молик бўлган фаолиятнинг шакллари ва усулларига эътиборсизлик жиноятчиликнинг салбий динамикасида барқарор натижаларга эришиш йўлидаги тўсиқлардан бири бўлиб қолмоқда.

Биргина миосл қилиб оладиган бўлсак, ҳозирги замон аёллар жиноятчилиги анча ўзгарувчан ҳодисадир. Ушбу ўзгарувчанлик ҳам ижтимоий жараёнлардаги ўзгаришлар, давлатнинг ижтимоий хавфлилик

даражаси турлича бўлган ҳуқуқбузарликларга қарши курашдаги ҳуқуқий базани ислоҳ этиш борасидаги тегишли саъй-ҳаракатлари билан бевосита боғлиқдир.

2005 йилда Узбекистон Республикасида бу кўрсаткич 12,2 фоизни ташкил қилди. 2005 йилда жиноятчиликнинг умумий қўрсаткичи 2004 йилга нисбатан 1 фоизга ўсган бўлса, аёллар томонидан содир этилган жиноятлар 6,7 фоизга кўпайган (Ички ишлар вазирлигининг 2005 йилги маълумотлари).

2005 йил якунлари бўйича республикамизнинг турли вилоятларида аёллар томонидан содир этилган жиноятлар улуши қўрсаткичларининг таҳлили шуни кўрсатадики, Узбекистон бўйича ўртacha қўrсаткич 12,2 фоиз бўлгани ҳолда, у Тошкент шаҳрида 16,4 фоизни, Андижонда 13,2 фоизни, Навоий вилоятида - 14,0 фоизни, Тошкент вилоятида - 14,1 фоизни ташкил этди<sup>1</sup>. Мавжуд фарқларни фақат вилоятлардаги урбанизация, миграция даражасидаги тафовут билан боғлаш тўғри бўлмайди. Шу сабабли аёллар жиноятчилиги билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муаммоларнинг қўп омиллар билан боғлиқлиги ушбу тадқиқотнинг комплекслигини белгилаб берди.

Демократик жамиятимиз фуқароларини ҳуқуқий билимли қилиш, ҳуқуқий маданият даражасини ошириш учун ҳуқуқий тарғибот ишларини кенг йўлга қўйиш лозим бўлади. Ҳуқуқий тарғибот кишилар онгига мавжуд қонунларнинг маъно-мазмунини сингдиришга ва уни хурмат қилишга, амал қилишга ундовчи ҳаракат деб тушуниш мумкин. Ушбу ҳаракат натижасида фуқароларда ҳуқуқий саводхонлик ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш мумкин бўлади.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида ҳуқуқий тарғиботнинг муайян тизими яратилган. Бу ишлар асосан радио, телевидения, ҳуқуқий нашрлар, шунингдек турли учрашув, давра сухбатлари орқали амалга оширилмоқда. Улар асосида маҳсус эшиттириш ва кўрсатувлар, рукнлар ташкил этилган. Ҳар бир эшиттириш ва кўрсатувлар ҳаётий мисоллар асосида

<sup>1</sup> Холиков Д.Р. Ҳуқуқий маданият – оила мустаҳкамлигининг асоси. –Тошкент: Фан. 2007. -13 б.

ташкил этилмоқдаки, бу оммани ўзига тез жалб этмоқда.

Аҳоли билан юзма-юз учрашувлар ва давра сухбатлари жонли муроқот шаклида уюштирилиши, аҳолининг қўплаб саволларига жавоб олишлари билан бирга, ҳукуқни ҳимоя қилувчи орган ходимлари билан яқинлашувини, уларни фа-қат жазоловчи шахс эмас, балки ҳалқ манфаатини ҳимоя қилувчи шахс сифатида қарашга ҳам ундовчи омил бўлиб хизмат килади.

Тарғибот қандай кўринишда бўлмасин, киши онги, дунёқараши қалити ҳисобланади. Шундай экан аҳолида ҳукуқий саводхонлик ва ҳукуқий маданиятни шакллантиришда тарғиботдан унумли ва самарали фойдаланиш зарур. Ҳукуқий саводхонлик хоҳ у ёш, хоҳ у кекса бўлсин ёки жинсидан қатъи назар, ўз ҳукуқ ва бурчини англаш, келажак ҳаёти учун зарур бўлган ҳукуқий маълумотлардан хабардор бўлиш, Бош қонундан тортиб, қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳиятини тушуниб етиш, фуқаролик ва турли ҳукуқий кўрсатмаларни билиш, ҳукуқий тарғиботларни қандай кўриниши бўлмасин уни таҳлил қила олиш, ўз ҳукуқуқини ҳимоя қила олишида намоён бўлади. Бу эса қонунни бузиш нечоғлик хатолигини, унга нисбатан доимо ҳурматда бўлиш ке-раклигини тушунишга олиб келади.

Лекин тарғибот-ташвиқот услублари янгича ноанъанавий илмий-ҳукуқий асосга қурилса, уларнинг самарадаорлиги бир неча баробар ошади. Оилада ҳукуқий саводхонликни оширишда эса ўзига хос ёндашувлар ва тарғибот услублари-нинг бўлиши лозимлиги илмий тадқиқотларда исботланган. Ваҳолангки, айнан оила доирасида турли кўринишдаги ҳукуқий низолар вазияти намоён бўлади. Айниқса, оилада эр-хотин муносабатлари ёки оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари натижасида содир этилган низолар сабабли, қўйди-чиқди, уй-жой, мол-мулқ, мерос талашиш каби оқибатлар тез-тез пайдо бўладики, бу ҳолат оила аъзоларининг на-фақат ҳукуқий саводсизлиги, балки маънавиятсизлигидан ҳам далолатдир. Бу айниқса ака-ука, эр-хотин, ота-бола ўз ҳукуқ ва бурчларини ёки масъулияtlарини тушуниб етмас-ликлари натижасида оила аъзолари ўртасида англашилмов-чилик ва келишмовчиликларни пайдо бўлишига олиб кела-ди.

Натижада идорама-идора югуриш, аризалар билан мурожаат қилишлар сони ортиб боради.

Ҳаётда хукуқлари паймол бўлганлиги сабабли пайдо бўладиган муаммолар кўп. Аёлларимиз айнан шундай муаммоларга дуч келганда кимга мурожаат қилишларини аниқлаш мақсадида олиб борилган тадқиқотимиз натижалари 11-бет-даги гистограммада ифодаланган. Шунингдек, аёллар ўртасида қонунларни билиш малакаси қай даражада эканлигини аниқлаш учун «Қайси қонунларни биласиз?», - деб мурожаат қилинганда, респондентларнинг асарият қисми - 55,8 фоизи "билмайман" деган жавобни беришди. (Қаранг: 1-гистограмма).

Юқоридаги кўрсаткичлар аҳолининг қонунларни билиш даражасини хали юқори деб баҳолаш учун етарли эмаслигидан далолат беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қонунларни кенг халқ оммасига тушунтириб бермасдан уларнинг моҳиятини ҳар бир фуқаронинг онгига сингдирмасдан туриб, хукуқий саводхонликни юксалтириш мумкин эмас. Қонун устуворлигини таъминлашда жамиятнинг ҳар бир аъзосини қонунларга итоаткорлик руҳида тарбиялаш, ҳар бир шахсда қонунга нисбатан ҳурмат туйғусини шакллантириш, фуқаролар, айниқса ёшларнинг хукуқий саводхонлик даражасини оширишга янада эътиборни кучайтириш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов 1997 йил 20 майида хукуқни муҳофаза қилувчи муассасалар раҳбарлари, хукуқшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда сўзлаган нутқида ҳамма фуқаролар ҳам етарли даражада хукуқий онгга эга эмасликлари, ахборот олишда ижтимоий фаоллик кўрсатмаётганликлари, республикада жамиятнинг ҳар бир аъзоси хукуқий билимларнинг ҳеч бўлмаганда энг асосийларини ўзлаштириб олиши учун ҳамда аҳоли турли ижтимоий гурухларининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда табақалаштирилган хукуқий маориф учун амалий механизм яратилмаганлиги, мансабдор шахслар томонидан фуқароларнинг хукуқ ва қонуний

манфаатлари камситилиши ҳоллари кўпинча ҳуқуқий билимларнинг етарли эмаслиги, ҳуқуқий маданият даражаси пастлиги туфайли юз берадётганлигини таъкидлаб ўтди.<sup>1</sup> Шунга кўра ҳуқуқлари камситилган фуқаролар аксарият ҳолларда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонунда назарда тутилган механизмидан, шу жумладан, мансабдор шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан судга шикоят қилиш имкониятларидан фойдаланмайдилар. Айнан ҳуқуқий маданиятнинг етарли эмаслиги айрим фуқароларнинг жумладан, аёлларнинг ижтимоий фаоллиги паст даражада бўлишининг асосий омилидир.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб ҳозирги кунда аҳоли учун ҳуқуқий тарғибот нечоғли зарур эканлигини англаб етиш мушкул эмас.

Республикамизда ҳуқуқий тарғибот учун дастлабки қўйилган қадамларни ҳуқуқий демократик давлат қурилиши, қонунчиликни мустаҳкамлаш ва ижтимоий адолат қарор топишини таъминлаш, маънавий ва маданий ривожланишнинг устувор йўналишларини белгилаш, амалга оширилаёт-ган ислоҳотларни янги мазмун билан бойитиш, аҳолининг ҳуқуқий билим ва онгини юксалтириш каби мақсадларни кўзлаб чиқарилган Президентнинг 1997 йил 19 июнданги «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги Фармони асосида ташкил этилмоқда.

Қонунбузарликни келиб чиқишининг асосий сабабларидан аввало ҳуқуқий саводсизлик ва ҳуқуқий маданиятининг пастлиги эканлиги тадқиқотчилар томонидан эътироф этилган<sup>2</sup>.

Қонунлар, фармонлар ва ҳукумат қарорларининг моҳиятини чуқур англаб етиш, барча ҳаракатни халқнинг ҳуқуқий онгини шакллантиришга қаратиш шу жиҳатдан аҳамиятлики, унинг воситасида жамиятнинг ҳуқуқий

<sup>1</sup> Узбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 1997 йил 20 майида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи муассасалар раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда сўзланган нутқи. «Халқ сўзи» газетаси. 1997 йил, 21-май.

<sup>2</sup> Қаранг: Шарипов А. Ёшларнинг ҳуқуқий маданияти //Ҳуқуқ-Право. 1998. №4. Б-Б. 16-19.

маданиятини кўтаришга эришилади.

Ижтимоий-сиёсий жараёнларда, давлат ва жамият бошқарувида фуқаролар иштирок этишининг хуқуқий негизлари ҳамда амалий механизмлари оғишмай тақомиллаштирилиб борилмоқда. Сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, хотин-қизлар, ёшлар ва фахрийлар ташкилотларининг, турли хайрия ва ижодий фонdlар, жамғармаларнинг, миллий-маданий марказларнинг, шунингдек, бошқа жамоат уюшмаларининг ўрни тобора ошиб бормоқда.

Биз танлаб олган янги жамият қуриш йўлида фуқароларнинг хуқуқий маданиятини шакллантириш ҳамда уларнинг конституциявий хуқуқ ва эркинликларини кафолатли равишда ҳимоялаш муаммолари алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ҳуқуқий маданиятнинг юқори даражада бўлиши хуқуқий давлатнинг ўзига хос хусусиятидир. Бозор иқтисодиётини шакллантириш шароитида хуқуқий маданиятни ошириш муҳим иш ҳисобланади. Шу билан бирга, хуқуқий маданият савияси қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки ушбу қонунларнинг барча даражаларда ижро этилиши билан белгиланади. Ушбу муҳим ишда одамларда қонунларга ва норматив хуқуқий ҳужжатларга нисбатан чуқур ҳурмат ҳиссини тарбиялаш алоҳида аҳамиятга эгадир. Зеро, ҳуқуқий нормалар одамлар онгига сингган ва улар орқали амал қилган тақдирдагина яшайди ва рўёбга чиқади.

Кўпчиликка сир эмаски, аҳолининг анчагана кисми Узбекистон қонунларининг яхши билмасликлари, уз ҳақ-хукуқларини талаб қилмасликлари сабабли оғир аҳволга тушиб колди. Баъзи ешларимиз билиб-билимдан жиноят йўлига кириб кейин пушаймон бўлиб қолмоқдалар. Конунни менсимаслик, унинг талабларини бузиш ҳар қандай ривожланган жамият учун хам талофатдир. Бу айникса, ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун биринчи навбатда хуқуқий тарбия, хуқуқий маданият ҳамда хуқуқий билимларни кенг тарғиб қилиш, уларни ёшлар онгига сингдириш ғоятда долзарб вазифалар сирасига киради. Қонунга

хурмат, уни бузувчиларга муросасизлик ва адолатпарварлик туйгуларини ёшлиқдан тарбиялаб бориш, уларнинг хуқуқий маданиятини ошириш, қонунга хурмат ҳар бир фуқароларнинг, ёшларимизнинг шахсий эътиқодига айлантириш лозим. Қонунларга қатъий риоя қилиш ҳар бир кишининг ахлоқий бурчи ва конституцион мажбурияти ҳисобланади. Қонунчилик мустаҳкамланган жойда хуқуқ тарғибот ҳам ўзининг самарасини беради.

Жиноий ва маъмурий жавобгарликхা тортилганларнинг кўпчилиги у ёки бу қонунга зид ҳаракатлар учун муайян жавобгарлик ва ҳатто жиноий жазо кўзда тутилганлигини билмасликларини айтадилар. Қонунчилик аҳолининг, ёшларнинг маданий савиясига, давлат органлари, жамоат ташкилотлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг хуқуқий маданиятига боғлиқ. Кишилар қанчалик онгли, маданиятли бўлса, қонунни бузиш ҳоллари шунчалик кам бўлади.

Жиноятчиликни олдини олиш ва қонунчиликни мустаҳкамлашга тарғибот ишларини кучайтириш ва кенг омма орасида, айниқса, ёшлар ўртасида Ўзбекистон қонунларини тушунтириш ишлари зўр самара берувчи тарбиявий тадбирлардандир. Шунинг учун ҳам барча ўрта мактаб, махсус ўрта ва олий ўкув юртларида муайян режа бўйича давлат ва хукук асослари (ёки хукукшунослик) дарсини сифатли укитиб, уни ҳамма ўкувчи ва студентлар томонидан яхшилаб ўзлаштиришга эришиш ва ахоли орасида хуқуқ билимларини кенг тарғиб қилиш, қонунларимизни яхши тушучтириб бериш ва ана шу мақсадлар учуй матбуот, радио, телевидениедан самарали фойдаланиш, шубҳасиз, яхши натижалар беради.

Хукукий тарғибот ишларига юрист олимлар, тажрибали юристлар, педагоглар билан бир каторда прокуратура, суд, ички ишлар органлари, юстиция, адвокатура ходимлари мумкин кадар кўпроқ жалб килинсалар ҳамма жойда хукукий тарғибот ишини кенг микёсда жададлаштиришга тўла имкон тугалар эди. Бу жуда мухим иш ҳар бир соҳадаги республика ва вилоят, шаҳар, туман раҳбар органларининг, ёшлар ташкилотларини изчиллик ва талаочанлик билан ишни пухта ташкил килиши ва мунтазам

суратда режали олиб боришлирига боғлик.

Хукукий тарғиботни кучайтириш хаёт такозоси, турмуш талаби ва республикамиз микёсида Президентимиз томонидан қўйилган шарафли вазифадир. Бу вазифаларни муваффакиятли бажара барча давлат, жамоат органлари, касаба уюшмалари, ёшлар иттифоки ташкилотларидан, одил судлов, прокуратура, ички ишлар органлари, адвокатура ходимларидан ва республикамиздаги барча юристлар, илмий ходимлардан катта ғайрат ташкилий маҳорат ва ташаббускорликни талаб килади.

Давлатимизнинг муҳим вазифаси ҳам ҳуқуқ-тартибот бузилишининг олдини олиш, жиноятчиликни тугатиш, мустахкамлаш ва ҳуқуқий давлат қуришдан иборат. Бу олижаноб вазифани бажариш учун аҳолининг, айникеа, ёшларнинг ҳукукий тарбиясини яхшилаш, унинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш, Ўзбекистон конунларини янада кенгроқ ва чукурроқ тарғиб қилиш зарур.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан холда мавзур бобни қуйидагича хulosалаш мумкин:

Биринчидан, қишлоқ шароитида истиқомат қилувчи оиласарнинг ҳуқуқии саводсизлигини тугатиш мақсадида, уларни қизиқтирувчи ва кўпроқ муаммоларга сабаб бўлувчи ҳуқуқий мавзуларда дастур ҳамда тавсияларнинг маҳсус услубларини яратишга; умуман, қонунчиликдаги янгиликлар, хусусан, ёшлар ва аёллар меҳнатини ҳимоя қилиш соҳасида қайд этилган меъёрий ҳужжатларни ўз вақтида аҳолига маълум қилишга эришиш лозим бўлади.

Иккинчидан, оиласада аёллар ва вояга етмаганлар жиноятчилиги, айниқса, улар томонидан ўғрилик ва гиёҳвандлик билан боғлик жиноятларнинг кўплаб содир этилиши аянч-лидир. Бунинг асосий сабабларидан бири - оила аъзолари-нинг, ўсмир ёшлар ва аёлларнинг ҳуқуқий савиясининг пастлигига бориб тақалади.

Учинчидан, ҳуқуқий савияни факатгина замонавий, дунёвий, ҳуқуқий асосларга таяниб эмас, балки шариат илми асосида ҳам ошириш мақсадга мувофиқдир.

Халқимиз миллий давлатчиликни мустаҳкамлашнинг ҳозирги босқичида муҳим вазифаларни ҳал қиласар экан, демократияни янада ривожлантириш ҳамда фуқаролик жамиятини қарор топтириш истиқболларини кўзламоқда. Бу бошқарув функцияларининг кўпчилик қисми давлат ҳокимияти ва бошқаруви марказий органларидан - вилоят органларига, вилоят органларидан - туман-шаҳар органларига, сўнгра эса фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтишидан иборатdir.

## 2-БОБ. ҲУҚУҚ ВА АХЛОҚНИНГ МАЊНАВИЯТ ТИЗИМИДАГИ ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ

### 2.1. Ҳуқуқий ва ахлоқий маданият ўзаро алоқадорлигининг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти.

“Бугун биз янги ҳаёт, ҳуқуқий демократик давлат барпо этаётган эканмиз,-дея таъкидлаган эди Президентимиз, - замоннинг ўзи жамиятимизда ҳануз сақланиб келаётган, умрини ўтаб бўлган баъзи қарашларни тубдан ўзгартиришга, давр билан ҳамнафас бўлиб, янгича фикрлашга даъват этаётганини, ўйлайманки, барчамиз яхши англаймиз.”<sup>1</sup>

Инсон малакалари, билимлари, гоялари ва хиссиётларини, шунингдек турли ижтимоий ҳодисаларда уларнинг мустаҳкамланиши ва маданий ҳодисага айланиш йиғиндиси сифтида ижтимоий жабҳада ўз аксини топади. Ягона маданият тизимининг тараққиёти ҳисобланган ҳуқуқий ва ахлоқий маданият ҳар доим узвий алоқада бўлади.

Ҳуқуқий ва ахлоқий маданиятнинг ўзаро алоқадорлигини ҳуқуқ ва ахлоқ мисолида кўриб чиқилса аниқроқ бўлади. Уларнинг ички бирлиги ва ўзаро таъсирчанлиги шу билан изоҳланадики, ахлоқий ва ҳуқуқий усқуртманинг бир қисми, элементи ҳисобланади ва ягона мақсад ва вазифаларга эга, ўз принциплари ва мазмуни билан бир-бирига мувофиқ ва бир бирини тўлдиради. Ҳуқуқ ахлоқнинг таъсирчанлигини кучайтиргани каби ахлоқ ҳуқуқнинг самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Амалда ҳамма ҳуқуқий нормалр ахлоқий асосга эга.

Қонунларга риоя этиш фуқароларнинг шунингдек, нафақат юридик балки мањнавий мажбурияти ҳисобланади. Ҳуқуқий нормаларни мукаммалаштиришда ахлоқ катта роль ўйнайди, ҳуқуқ нормалари эса уни одамлар онгига сингдиришга ёрдам беради. Ҳуқуқий маданиятнинг ахлоқий

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. -Тошкент: Ўзбекистон. -22 б.

маданият билан боғлиқлиги қуйидаги ахлоқ категорияларида намоён бўлади: тўғрилик ва ҳаққонийлик, инсонийлик ва ишонч, виждан ва жавобгарлик хисси ва бошқалар.

Конституциявий нормаларда ҳам ахлоқий принципларни, ҳуқуқий ва ахлоқий мажбуриятлар бирлиги билан мустаҳкамлаб қўйилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 48-моддасида “Фуқаролар конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг укуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар” деб белгилаб қўйилган.<sup>1</sup>

Ҳуқуқ ва ахлоқнинг узвий алоқадорлигини ҳуқуқшунос олим З.Исломов чукур тахлил қиласи. Ҳуқуқ билан ахлоқ ўртасидаги нисбатлар етарли даражада мураккаб, у бирлик, тафовут, ҳамкорлик ва қарама-қаршиликлардан иборат тўрт таркибий қисмни ўз ичига олишини кўрсатиб ўтади.<sup>2</sup>

Юридик адабиётларда «ҳуқуқий маданият» деган категория ишлатилади. Бу категория юқоридаги кўрсатиб ўтилган ечимларни топишга ёрдам беради, чунки бу категория ахлоқий-ҳуқуқий таъсирни комплекс холда тушунишга олиб келади. Ҳуқуқшунослик илмига доир адабиётларда кўрсатилишича ҳуқуқ ва ахлоқнинг нуфузи инсонларнинг давлатда қилинаётган ишларга ички муносабатидир. Дарҳақиқат ҳуқуқнинг мавжудлиги қонунларнинг моддалари ва қисмларида эмас балки бутун жамият аъзоларининг онгода қай даражада акс этиши билан белгиланади.

Ҳуқуқ билан ахлоқнинг ўзаро алоқадорлигига доир тадқиқотларни олиб борган ҳуқуқшунос олима Р.Э.Турдибоева ўзининг “Талаба ёшларда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш муаммолари” деб номланган номзодлик диссертациясида “Ҳуқуқ билан ахлоқнинг ўзаро алоқадорлигининг ўзига хос томони – ўзаро бирикувдалиги ва ўзаро таъсирдалигидир. Ўзаро бирикув ҳуқуқий жамиятимизда ҳукмрон бўлган ахлоққа асослангандахина намоён

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёт матбаа-ижодий уйи. 2008. -10 б.

<sup>2</sup> Қаранг: Исломов З. Общество. Государство. Право. В 2-т.х. –Ташкент: Адолат. 1998. Т.2. –С.24-28.

бўлади, ахлоқ эса барча хуқуқий нормалар мазмунини ўзида сингдиради. Хуқуқ ахлоқий кўринишларни ўзида намоён этади, яъни бирор бир хуқуқий кўрсатмаларга амал қилмаслик ёки хуқуқбузарлик ахлоқий ҳатти-ҳаракат сифатида кўрилади”, - дея таъкидлайди.<sup>1</sup> Шунингдек, мазкур тадқиқотда хуқуқий ва ахлоқий маданиятни шакллантириш турли йўналишларда амалга оширилсада, қуидагилар асосий омил сифатида кўрсатилади:

Биринчидан, ёшларга хуқуқнинг ахлоқий қиммати жамият тараққиётининг асосий ҳаракатчиси эканлигини кўрсатиш ва асослаш. Хуқуқ маданий жамиятнинг ижтимоий-иктисодий асосини ва сиёсий тузумни мустаҳкамлайди, шунингдек инсонларнинг ҳатти-ҳаракатини ижтимоий жиҳатдан тартибга солувчи, илмий ва маданий қадрият сифатида намоён бўлади. Хуқуқ жамият учун ахлоқий қадриятларни намоён этади, шу билан бирга унинг ёрдамида жамиятнинг ахлоқий қоидаларини қўриқлайди. Хуқуқ ахлоқиззикка қарши курашнинг асосий ва самарали қуролидир. Унинг қиймати шундаки, умуммажбурий хуқуқий кўрсатмалар асосида ахлоқий норма ва принципларни жорий этиш амалга оширилади. Шунинг билан бирга хуқуқ инсоннинг қадр-қиммати, шаъни, дахлсизлиги каби ахлоқий неъматларни қўриқлайди, кафолатлайди.

Иккинчидан, хуқуқий ва ахлоқий тарбиянинг бирдан бир вазифаси ёшларда маънавий юксакликка интилишни шакллантиришdir. Ахлоқий тарбия хукуқий тарбиянинг асосини ташкил этишини ҳар доим алоҳида кўрсатиб ўтиш жоиз. Чинакам маънавий баркамол, ахлоқан пок инсон хеч қачон қонунга қарши иш кўрмайди, доимо қонунга итоаткор жамият аъзоси эканлигини кўрсатади.

Учинчидан, хуқуқий тарбия жараёнида хуқуқнинг умумақлий ҳарактерини ва юридик кўрсатмаларга риоя этиш каби қонуннинг талабларини эътиборга олган холда ёшларда хуқуқий нормага, норматив актга ва бошқа хуқуқий актларга ахлоқий жиҳатдан баҳо бера олишликни шакллантиришга интилиш керак.

<sup>1</sup> Турдибаева Р.Э. Талаба-ёшларда хуқуқий маданиятни шакллантириш муаммолари: Афтореф. дис. ... юрид. фан.ном. Тошкент: Фалсафа ва хуқуқ институти. 2000.

Хуқуқий маданият ҳуқуқий таъсир кўрсатиш механизмида мустақил ўрин тутади. Уларсиз қонун яратиш ҳам, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ҳам мумкин бўлмайди. Чунки ҳуқуқнинг мавжудлиги инсон билан чамбарчас боғлангандир. Ҳуқуқий маданият ижтимоий маданиятнинг сиёсий маданиятга ўхшаш бўлмаган маҳсус шакли сифатида намоён бўлсада, аммо унга фалсафий, сиёсий, маънавий (ахлоқий қарашлар таъсир этиб туради).

Таъкидлаш ўринлики, ҳуқуқий маданиятнинг ахлоқий маданият билан алоқадорлиги муайян жиҳатларга кўра таълим жараёнида яққол кўзга ташланади. Чунки таълим-тарбиянинг асосий масади – ёшларда юксак ҳуқуқий маданиятни ва ахлоқий фазилатларни шакллантиришдан иборатdir. Бу борада “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”ида таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг ва маърифий ишларнинг самарали шакллари ҳамда услубларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш ҳамда таълим олувчиларнинг юксак тайёргарлик даражаси, малакаси, маданий ва маънавий-ахлоқий савиясининг сифатига нисбатан қўйиладиган зарур талабларни белгилаб берувчи давлат таълим стандартларини яратиш ва жорий этиш масалаларига жиддий эътибор қаратилган. Шунинг учун ҳам “Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати инсонни интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш билан узвий боғлиқ бўлган узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама баркамол шахс – фуқарони шакллантиришни назарда тутади. Шу тарзда фуқаронинг энг асосий конституциявий ҳуқуқларидан бири билим олиш, ижодий қобилиятни намоён этиш, интеллектуал жиҳатдан ривожланиш, касби бўйича меҳнат қилиш ҳуқуқи рўёбга чиқарилади”-деб кўрсатилади<sup>1</sup>. Бу кўрсатма пировардида моҳияттан ахлоқнинг ҳуқуқ билан, ахлоқий маданиятнинг ҳуқуқий маданият билан ўзаро алоқадорлигини таъминлайди.

Дарҳақиқат ахлоқ бўлмаса инсон ижтимоий шахс сифатида шаклланмайди. Фақат етук ахлоқгина кишиларда ҳаётнинг мазмуни ва

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури /Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Тошкент: “Шарқ”. 1998. -42 б.

мақсади түғрисда хақ тушунчаларни ҳосил қиласы. Шу боис маънавий-ахлоқий маданият ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда бирламчи аҳамиятга әгадир.

Ҳар бир инсон маданияти унинг маънавий оламининг асосий омилидир. Ҳуқуқ эса ана шу маданиятнинг асосий қисмини ташкил этиб, ҳаётда, яшаш тарзида муҳим меъёр ҳисобланади. Шарқ халқларининг маданияти, урф-одатлари, умуман маънавияти бошқа халқлариникидан бутунлай фарқ қиласы. Шарқ дунёга шундай буюк мутафаккирларни бердики, улар қолдирган моддий ва маънавий мерос нафақат ўз халқимиз, балки бутун жаҳон халқлари томонидан ҳам тан олинган. Шундай экан, Шарқ халқларининг, жумладан, ўзбек халқининг ҳуқуқий-ахлоқий, тарбиявий маданиятининг пойдевори ниҳоятда пишиқ, илдизлари мустаҳкам эканлигига шубҳа йўқдир. Мустақил мамлакатимиз фуқаролари ўз Ватанини, миллатини, маданиятини нима учун севиш, қадрлашлари зарурлигини тушунтириш, шунингдек, ҳуқуқнинг ахлоқий жиҳатларни ҳамда ахлоқнинг ҳуқуқий кафолатланганлигини фуқаролар айниқса, ёшлар онгига сингдириш бугунги кунда долзарб вазифалар сирасига киради. Ва айтиш мумкинки, бу — тарбия соҳасидаги олимлар олдида турган бурчdir.

Бугунги кунда ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Чунончи, ислоҳотлар стратегиясини амалга оширишда таълим ва маданиятни ривожлантириш ҳамда ислоҳ қилиш ҳамда ахлоқий ва маънавий салоҳиятни мустаҳкамлаш узлуксиз йўналишлар ҳисобланади. Бу эса бутун таълим ва маданият тизимини тубдан ислоҳ қилишни тақозо этади. Чунки айни билимдонлик ва юқори маданийлик озодликдан ҳамманинг баҳт-саодати йўлида фойдаланиш имконини беради.

Ҳуқуқ билан ахлоқнинг узвийлиги, уйғунлиги ва алоқадорлигини кўрсатар экан, ҳуқуқшунос олим Р.Маҳмудов шундай дейди: “Ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда маънавий қадриятларимизнинг роли каттадир. Ҳуқуқий маданиятнинг моҳияти қонунни тушуниш, билиш, ҳаётга тадбиқ

етиш, ижросини таъминлаш ва шахсларни ижтимоий ҳаётимизда актив қатнашиши ва бундай фаолиятни бошқаладан ҳам талаб қилишдаги жараёнларида кўришимиз мумкин. Ҳуқуқий маданиятни, аввало, инсоннинг ички дунёси, ички маданияти, умуминсоний анъаналарга ва ҳуқуқий билимларга бўлган ижобий муносабатлари белгилайди. Шахснинг ички маданияти унинг ташқи одобини кўрсатади. Ҳуқуқий маданият эгаси бўлган киши жамият талаблари ва қоидаларига ҳурмат билан қарайди, жамиятни бошқаришда ўзининг ҳуқуқий малакаларини ишга солиб, фаол қатнашади”<sup>1</sup>.

Биз ҳуқук, қонун, адлия деган атамаларни, баъзан тасодифан қонун домига тушиб қолгандагина эслаймиз. Бундай пайтда адвокатлар ҳамманинг кўзига сеҳргар бўлиб кўринади. Нега қонунга рўпара бўлдинг, деб сўраганларида, «буни билмас эдим», деб кўзни мўлтиллатиб тураверамиз. Бироқ дунё тажрибасида шундай қоида бор: қонунни билмаслик айни енгиллаштирумайди. Биз қонунга менсимаслик билан қарасак, уни ўрганмасак шундай нокулай ҳолга кўпроқ тушамиз. Қонунни билиш, ҳурмат қилиш жиноятдан, жиноий оламдан йироқ юришнинг бирдан-бир йўлидир. Қонунга ҳурмат инсон маданияти бўлиб қолганда бундай жамиятни бошқариш, адолатни барқарор этиш ҳам осон бўлади.

Маънавий қадриятларимиз аста-секинлик билан тикланар экан, халқлар орасида, жиноятнинг илдизига болта урилади, ҳар хил жиноятларнинг олдини олиш чоралари кў-рилади. Маънавият, сўзсиз, жамият тараққиётида салмоқли ўринни эгаллайди, бошқача-роқ айтганимизда маънавият ҳуқуқий давлат таянчидир. Фуқароларнинг маънавий етуклик даражаси юқори бўлган такдирдагина улар ижтимоий ҳаётнинг тараққиёт қонунларини, ҳуқуқий давлатнинг моҳиятини ва инсониятга адолатли ҳаёт кечириш кафолатини беришини яхши билади.

Ҳуқукий, ахлоқий борада шарқ халқларининг ўз тушунчалари мавжуд. У миллий та-рихга, азалий қонун-қоидаларга асосланади. Лекин бу

---

<sup>1</sup> Маҳмудов Рўзимат. Ҳуқуқий маданият - инсон зийнати // Мулоқот. 1997, №5. Б.7.

халқларда ҳуқуқий маданият ту-шунчаси ахлоқ, одоб, маданият тушунчалари билан қоришиқ ҳолда тушунилганлигини биз Навоий, Бобур, Форобий, Амир Темур сингари буюк зотлар асарларини, васиятно-маларини ўқиш, мушоҳада қилиш билан ту-шуниб етамиз. Мир Алишер Навоийнинг саф-доши ва шогирдларидан бири Ҳусайн Воиз Кошифий «Ижтимоий ахлоқий фазилатларни юзага чиқаришнинг асосий воситаси» деб илм-маърифат билан ахлоқий тарбияни тушунади. Унинг “Инсоннинг қадр-қиммати унинг молмулки ёки ижтимоий келиб чиқиши билан эмас, балки унинг маънавий қиёфаси, ахлоқий сифатлари билан ўлчанади”, - дегани ҳам бежиз эмас.<sup>1</sup>

Замондошларимизда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ишида бугун халқимизнинг асрдан-асрга ўтиб келаётган оғзаки ижоди, миллий урфодатлари, анъаналари ва маросимлар, ҳадислар, шарқ халқлари мутафаккирларининг асарларидан фойдаланиш мавруди келганлиги шубҳасиздир. Фуқаролар-нинг хулқи, ахлоқи, шубҳасиз, уларнинг хат-ти-ҳаракатларига, ички маданиятига, ирода-сига, жамоат жойларида ўзини тута билиши-га таъсир этиши табиийдир. Улар ҳуқуқий нормалар моҳиятини тушуна бориб ҳуқуқий маданиятга эришади ва қонун-қоидаларга ҳурмат билан қарай бошлайди. Кишилар фаолиятидаги ҳуқуқ нормаларига талаб кучайиб бориши натижасида ҳар бир шахснинг ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданияти такомиллашиб боради. Интизом анаша жураёнда ҳуқуқ билан ахлоқни боғловчи мезонга айланади. Зеро, интизом бир пайтнинг ўзида ҳам ахлоқий маданиятни ҳам ҳуқуқий маданиятнинг барқарорлигини таъминлайди. Зеро, аллома Абдулла Авлоний таъбири билан айтганда, “Интизом деб қиласургон ибодатларимизни, ишларимизни ҳар бирини ўз вақтида тартиби или қилмоқни айтилур. Агар ер юзида интизом бўлмаса эди, инсонлар бир дақиқа ишонмас эдилар”<sup>2</sup>. Интизом эса, биз биламиз, қонунлар асосига қурилади.

Қонунни хизмат вазифаси ва унвонидан қатъи назар ҳамма бир хилда амалга оширмоғи керак. Қонунга риоя қилиш зарурияти ишчининг ҳам, жамоа аъзосининг ҳам, хизматчининг ҳам, раҳбарларнинг ҳам, ёшларнинг ҳам

<sup>1</sup> Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султоний. –Тошкент: Маънавият. 1996. -26 б.

<sup>2</sup> Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. 2 томлик. –Тошкент: Маънаият. 1998. Т.1. -52 б.

хамманинг хаётий эхтиёжига айланиши керак. Конунга амал килишдан ҳамма ҳам наф кўради, сира ҳам зиён кўрмайди, аксинча, қонун талабини бузиш ҳамма вақт шахснинг ўзига бирон хил жиддий зарар ва шикает етказади ёки қаттиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Юқоридаги фикрлардан шуни ҳulosса қилиш мумкинки, ҳуқуқий ва ахлоқий маданиятнинг биргаликда ҳаракати ягона холда бўлиб, параллел ривожланиши эмас, балки маданиятнинг бу турларини узвий равишда чатишиб кетиши, биргаликдаги таъсири, бир-бирини бойитиши ижтимоий бошқарув соҳасида янгила ахлоқий қадриятларни юзага келишини таъминлайди. Бинобарин, ҳар қандай маданиятли, маънавиятли шахс ҳуқуқий давлатнинг таянчи, ишончи бўлиши мумкин, қачонки қонунлар ҳамда ҳуқуқларнинг кафолатлари ахлоқийлик ва ахлоққа асосланган бўлса.

## **2.2. Ўзбекистонда аёллар ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг ахлоқий жиҳатлари**

Жамиятнинг асосий ижтимоий вазифаларидан бири бўлган соғлом авлодни тарбиялаш оила ва унда аёлнинг тутган ўрни билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳуқуқий маданиятни шакллантириш энг аввало оиладан бошланади. Ҳуқуқ ва мажбуриятлар борасида илк тушунчалар шаклланадиган, дунёқарааш теранлашадиган оила муҳитига эътибор фуқаролик жамияти қуришнинг дастлабки омилларидандир.

Шу боис ҳам олиб борилган тадқиқот оила муҳитида қонунларга ҳурмат ҳиссини тарбияловчи ижтимоий механизмларни ўрганиш, унинг назарий-методологик асосларини яратиш, сўнgra уни аҳоли ўртасида, ҳар бир оилада ёшлар онгига сингдиришнинг амалий йўриқларини аниқлаб, ушбу йўналишдаги ишлар самарадорлигини ошириш учун янги дастурлар ишлаб чиқиши тақазо этади.

Жисмонан соғлом, маънан қучли ва ақлан етук авлодни яратиш - оиланинг энг асосий ижтимоий вазифаларидан ҳисобланади. Шу боис мустақил давлатимизда оиланинг мустаҳкам бўлишига, унинг тарбиявий

имкониятини оширишга тобора катта аҳамият берилмоқда, бу масала ҳукуматимизнинг расмий ҳужжатларида қонун билан ҳимояланган ва кафолатлаб қўйилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида: «Оила жамиятнинг асосий бўғунидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга», - деб кўрсатиб берилган.<sup>1</sup>

Бугунги кунда аёллар учун қатор имтиёзларни ўз ичига қамраб олган Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари, фармонлари ва Олий Мажлис қонунлари эълон қилинди ва амалга оширилмоқда. Президентимиз И.А. Каримовнинг «Хотин-қизларга муносабат жамиятимизнинг маънавий, ахлоқий етуклигининг ўлчови бўлиб хизмат қилиши керак», - деган сўzlари мағзизда беҳад катта маъно, қолаверса, улкан вазифа ётибди.<sup>2</sup> Ана шулардан келиб чиқсан ҳолда, биз хотин-қизларимизнинг ҳуқуқий билимларини ошириш учун кучларимизни бирлаштиришимиз лозим. Шундагина қад ростлаётган ҳуқуқий давлатчилигимизда ўзбек аёлининг бой интеллектуал ижодий қувватидан ҳам тўла фойдаланиш имконига эга бўламиз.

Хотин-қизларимизга илм-фанда, маърифат ва таълим-тарбияда ўз фаолликларини намоён қилишларига кўмаклашиш, ижодий изланишлари учун моддий ва маънавий шарт-шароитлар яратиб бериш, уларни замонавий техника ва технологияларни ўзлаштиришга даъват этиш ижтимоий заруриятга айланиб бормоқда.

Оилада, давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш мақсадида ҳамда 1999 йилни “Аёллар йили” деб эълон қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойишида кўрсатиб ўтилган вазифалардан келиб чиқсан ҳолда<sup>3</sup> “Хотин-қизларни оиладаги, давлат ва жамият қурилишидаги ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий,

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон. 2001 .-17 6.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон – буюк келажак сари. –Тошкент: Ўзбекистон. 2001. -25 б.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши. “Халқ сўзи” газетаси. 1998 йил, 10-декабр.

иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича 1999 йилга мўлжалланган тадбирларнинг давлат дастури тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорида<sup>1</sup> аёллар манфаатларини, оналик ва болалакни муҳофаза қилиш, давлат, жамият қурилиши ва маданий қурилишда, жамиятни маънавий ва демократик янгилашда уларнинг ролини оиширишнинг хуқуқий асоларини такомиллаштириш, оиласда, қулай маънавий-ахлоқий оиласвий мухитни, болаларни тартиялаш шарт-шароитларини, моддий-маиший турмуш шароитларини шакллантиришда аёлларнинг мақоми ва ролини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган эди.<sup>2</sup>

Маълумки, ижтимоий хуқуқлар инсонга давлат томонидан бериладиган ижтимоий ёрдам билан белгиланади. Ушбу гурӯхга шахснинг касаллиги туфайли, кексалиги ёки бокувчисини йўқотганлиги сабабли, болалар тарбияси билан, шунингдек умумий меҳнат қобилиятини қисман, вақтинча ёки бутун-лай йўқотган пайтда давлат томонидан етарли маблағ билан таъминлаш каби ваколатлар киради. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий хуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактнинг 9-12 моддаларида эса меҳнат қилиш ва маш-гулотни эркин танлаб олиш, адолатли иш ҳақи олиш; касаба уюшмалари тузиш ва уларга аъзо бўлиш, ижтимоий таъми-нот, етарли турмуш даражаси хуқуқи, очликдан ҳоли бўлиш, сиҳат-саломат бўлиш ва билим олиш хуқуқи белгиланган. Мазкур хуқуқларнинг таъминланиши, албатта бошқа хуқуқларнинг, айниқса аёллар масалалари билан боғлиқ қонуний хужжатларнинг ахлоқий асосларининг таъминланиши билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Зеро, бу боғлиқлик бевосита аёллар хуқуқий маданиятини янада юксалтиришга хизмат қиласди.

Бироқ, бугунги қунда айрим аёлларимиз хуқуқий савияси пастлиги, қонунларни менсимаслиги туфайли хуқуқбузарлик холатларини содир

<sup>1</sup> “Хотин-қизларни оиласдаги, давлат ва жамият қурилишидаги ролини кучайтириш, уларнинг хуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича 1999 йилга мўлжалланган тадбирларнинг давлат дастури тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. “Халқ сўзи” газетаси. 1999 ғбк? 19 февраль.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши. “Халқ сўзи” газетаси. 1998 йил, 10-декабр.

этмоқдалар. Улар томонидан анъанавий жиноят турлари билан бирга ўғрилик, харидорларни алдаш, камомадлик каби иқтисодий жиноятлар, шунингдек тан жароҳати етказиш, қасдан одам ўлдириш, безорилик, гиёхвандлик моддалари билан шуғулланиш, ҳужжатларни қалбакилаштириш каби ижтимоий хавфли жиноятлар ҳам содир этилмоқда. Энг ачинарлиси шундаки, ҳам миллий ҳам диний ахлоққа зид бўлган ғайриахлоқий холатлар ҳисобланган кўшмачилик ва бузукчилик билан шуғулланиб жиноий жавобгарликка тортилганларнинг сони ортиб бормоқда.

Республика Ички ишлар вазирлиги маълумотларига кўра, республика бўйича 2003 йилда аёллар томонидан содир этилган умумий жиноятлар сони 7850 тани ташкил этган бўлса, 2004 йилда бу кўрсаткич 8464 тага етди. Бир йил давомида жиноятлар сони 614 тага ошган. 2004 йилнинг 5 ойи мобайнида 2948 та хуқуқбузарликлар содир этилан бўлса, 2005 йилнинг пгу муддатида уларнинг сони 2915 тани ташкил этди. Республика бўйича жиноятчи аёлларнинг сони 2005 йилнинг май ойига келиб бир мунча, яни 33 тага камайган бўлса-да, айрим вилоятларда бу кўрсаткич ошган.

Куйидаги жадвалда республика вилоятлари ва Тошкент шаҳрида хотин-қизлар томонидан содир этилган жиноятлар ҳақидаги статистик маълумотлар акс эттирилган:

*Хотин-қизлар томонидан содир этилган жиноятлар ҳақида  
маълумотлар\** (Кўлёзмада алоҳида бетда кўрсатинг)

<b>Худуд</b>	<b>Иил давомида</b>	<b>Жиноятлар сони</b>	<b>Нисбий ўсиш (+), камайиш</b>	<b>Январ-Май ойлари давомида</b>	<b>Жиноятлар сони</b>	<b>Нисбий ўсиш (+), камайиш (-)</b>
Тошкент шаҳфи	2004	2674	+593	2005	845	-159
	2003	2081		2004	1004	

\* Ушбу маълумотлар Д.Р.Холиковнинг “Хуқуқий маданият олила мустаҳкамлиги асоси” номли китобидан олинди /Масъул муҳаррир В.Каримова: Республика “Оила” илмий-амалий маркази. –Тошкент: Фан. 2007. - 130 б.

Тошкент вилояти	2004	951	+64	2005	306	+22
	2003	887		2004	284	
Самарқанд вилояти	2004	889	-8	2005	250	-40
	2003	897		2004	290	
Сирдарё вилояти	2004	269	-9	2005	149	+44
	2003	278		2004	105	
Жиззах вилояти	2004	302	+19	2005	106	-4
	2003	283		2004	110	
Бухоро вилояти	2004	549	+ 142	2005	205	+56
	2003	407		2004	149	
Навоий вилояти	2004	346	+2	2005	165	+48
	2003	344		2004	117	
Фарғона вилояти	2004	611	-58	2005	197	-30
	2003	669		2004	227	
Андижон вилояти	2004	436	-168	2005	164	-3
	2003	604		2004	167	
Наманган вилояти	2004	326	-32	2005	122	+2
	2003	358		2004	120	
Сурхондарё	2004	381	+7	2005	135	-2
	2003	374		2004	137	
Қашқадарй вилояти	2004	277	-16	2005	90	-7
	2003	293		2004	97	
Хораз м вилояти	2004	95	+51	2005	31	-10
	2003	44		2004	41	
Қоракалпоғистон	2004	18 26	-8	2005	6	+ 1
	2003			2004	5	
Транспорт ИИБ	2004	340	+25	2005	144	+49
	2003	315		2004	95	
<b>ЖАМИ</b>	<b>2004</b>	<b>8464</b>	<b>+614</b>	<b>2005</b>	<b>2915</b>	<b>-33 1</b>
	<b>2003</b>	<b>7850</b>		<b>2004</b>	<b>2948</b>	

Шунингдек, тадқиқот давомида респондентлар (5,4%) орасида ўз турмуш хаётига эътиборсиз қарайдиганлар ҳам борлигининг гувоҳи бўлдик. Бу ҳолат 2005 йилда 2004 йилга нисбатан бир қадар ошгалигини кузатиш мумкин. Айниқса, респондентлар орасида эътиборсизлик ҳолати кўпроқ Самарқанд (7,7) ва Навоий шаҳарларида (5,5) кузатилди. Сурхондарё вилояти туманларида эса 2003 йилги (7,5%) ҳолатига нисбатан 2004 йилда (1,5%) анча

пасайғанлиги кузатилди.

Юқоридаги холатлардан кўриниб турибдики, Тошкент, Бухоро, Сирдарё авоий вилоятларида 2004 йилнинг январ-май ойларига нистан 2005 йилнинг шу даврида хотин-қизлар жиноятчилиги ошган. Айниқса, жиноятчиликка қўл урган аёлларнинг орасида ўз ҳуқуқларини билмай, содир этаётган ҳуқуқбузарлиги, бир нақадар оғир ва қимматга тушишини англаб етмай, жиноятчилик кўчасига кириб қолган қизу-жувонлар кам эмас.

Ушбу маълумотлар бугунги кунда аёлларнинг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлигини оширишнинг ахлоқий асосларини оширишни янада юксалтириш муҳим ахллоқий эҳтиёжга айланиб бормоқда. Айни пайтда аёллар томонидан содир этилаётган жиноятчиликларни олдини олишни бугунги кунимизнинг энг долзарб масалалардан бири, деб ҳисоблаш мумкин.

Маълумки, мамлакатимизда оиласда фарзанд тарбияси билан кўпроқ аёл киши машғул бўлади. Аммо, кўпгина ҳолатларда аёлларимиз ўртасида жиноятчилик ва қонунбузарлик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик каби жиноятларни содир этаётганлари ачинарли холатдир.

Умуман олганда, аёлларнинг жиноят кўчасига кириб қолишларининг ўзига яраша сабаблари бор. Булар:

Биринчидан, ҳуқуқий онгнинг пастлиги ва ахлоқ иллатларга мойиллик. Бу холат пировардида оиласдаги носоғлом мухитни келтириб чиқаради ва жамият –маънавий-ахлоқий манзарасига путур етказади.

Иккинчидан, эр-хотин ўртасидаги айрим “оммавий маданият” кўринишларига одатланиш. Турли жангари, фахш, дащшатли фильмларни биргаликда томоша қилиш.

Учинчидан, ўтиш давридаги моддий қийинчиликларга бардошсизлик ва ҳ.к.

Айтиш лозимки, янги XXI асрда яшай бошлаганимизга қарамасдан, аёл ҳуқуқларини инсон ҳуқуқларининг ажralmas қисми деб қараш ҳануз дунё миқёсида ўзининг мустаҳкам амалини топгани йўқ. Бугунги кунда ҳам аксарият халқаро ташкилотлар аёлнинг эркаклар билан тенглигини таъминлаш учун кураш олиб бораяпти. Ҳукумат бошқаруви, қонун чиқарувчи ва тасдиқловчи

палаталарда аёлларнинг камлиги, обўли халқаро комиссиялар факат эркаклардангина иборат бўлиб қолаётгани каби ҳоллар аёл ҳукуқларига бир ёқлама қаралаётганлигидан далолатдир.

Мустақил республикамиизда эса, хотин-қизларининг ижимоий-сиёсий соҳаларда тенг ҳукуқлилик тенденциясига бугунги кунда тўлақонли мос келишини мисоллар асосида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, ҳукумат таркибидаги раҳбарлик вазифаларида ишловчи аёллар айни дамда 16 фоизни, Конституциявий судда 20 фоизни, Олий судда 14,6 фоизи, Олий хўжалик судида 15,8 фоизни ташкил этади. Шунингдек, бошқа жабҳаларда, яъни саноатда 42,8 фоиз, қишлоқ хўжалигига 42,4 фоиз, маориф, маданият ва фанда 2,9 фоиз, соғлиқни саклашда 75,9 фоизни хотин-қизлар ташкил этади.

Албатта, ҳукуматимиз томонидан аёлларга доимий алоҳида эътибор қаратилиб, уларга кенг имкониятлар яратиб берилаётганлигининг боиси бор. У ҳам бўлса келажак бунёдкори бўлмиш ёшларни тарбиясига кўпроқ жавоб бергувчи инсон, аёллар бўлганликлариdir.

Аммо, юқорида зикр этилган фикримизни ўрни келганса қайта-қайта эътироф этиш жоизки, айrim аёлларнинг билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолаётганликлари кенг жамоатчиликни доимий эътиборида бўлиб турган муаммолардандир. Аёлларни ижтимоий-иктисодий ва ҳукуқий-маънавий эътибордан четда қолдириш жиноятчиликнинг келиб чиқиш сабабларидан биридир. Аёллар томонидан содир этилаётган жиноятлар нисбатан ижтимоий хусусиятга эгалиги билан ташвишлидир.

Аёллар жиноятчилиги аввало оила тарбиясига салбий таъсир кўрсатади. Аёл жиноят содир қилса оиласа аҳлоқий-маънавий муҳит изидан чиқади, унда ўсиб келаётган авлод онги ва қалбида вайронкорлик туйғулари таркиб топади.

Вояга етмаганлар ва хотин-қизлар ўртасида жиноятчиликнинг содир этилишига сабаб бўлувчи омиллардан бири - оила ажримлариidir. Ажримлар ва нотинч оиласалар бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бўлиб турибди. Тўғри, муста-қиллик йилларида ажримлар кўрсаткичи 1,5 баробар камайган

бўлса-да, унинг асорати доимо хавф солиб туради. Сўнгги йиллардаги статистик маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, йилига ўртacha 14,5 - 15 минг никоҳ бекор қилинади. Мисол учун 2003 йилда жами 161747 та никоҳ қайд этилган бўлса, шу йилнинг ўзида ФХДЁ идоралари орқали 5614 та никоҳ бекор қилинган. Бу рақамга суд идоралари орқали бекор қилинган никоҳлар сони кўшилса, у республикада истиқомат қилаётган ҳар минг аҳолига 0,6 кўрсаткични ташкил этади. Агар ажримларни, яъни ажрашиб кетаётган эркак ва аёлларни ёшига кўра таҳлил қилсак, энг қўп ажрим 20-34 ёшни беради. Бу асосан оиласи турмушнинг биринчи 4 йили 35,5%) ва 5-9 йиллари демакдир. Ажрим туфайли ўртacha ҳар бир нотўлиқ оилада 2,5 нафар бола қолади. Тўғри, айрим аёллар иккинчи никоҳга киради, маълум маънода кимнингдир ёрдамида шу болага тўлақонли тарбия беришга интилади. Лекин бу кўрсаткич жами аёлларнинг 3,3 фоизини ташкил этади, шаҳарда бу кўрсаткич 6,3 фоизни ташкил этади, холос. Демак, турмуш ўртоғидан айрилгач она ўз бўйнига болалар тарбияси, рўзгорни юритиш каби катта масъулиятни олишга мажбур.

Шунингдек, Хусусан, аёлларнинг шахсий турмушидаги зўравонлик муаммоси жамият ва давлат томонидан эътиборни талаб этмоқда. Бу муаммо фақат бизнинг давлатимизда эмас балки мустақил ҳамдўстлик давлатлари ва бошқа ривожланган давлатларда ҳам ўз ечимини топмаган ва уни ҳал қилиш йўллари кўрсатилмаган. Америка ва Европанинг ривожланган мамлакатларида мазкур муаммоларни ҳал қилишга киришилди. Улар 10-15 йил муқаддам масаланинг муҳимлигини англаб, аёлларни турли зўра-вонликдан муҳофаза қилиш тўғрисида тегишли қонуний ҳужжатлар қабул қилдилар ва жабрдийда аёлларга ёрдам кўрсатиш бўйича маҳсус ижтимоий хизмат соҳаларини таш-кил этдилар. Хотин-қизларга нисбатан зўравонликларнинг содир этилиши инсон хукуқларини жиддий бузилишига олиб келади.

Бугунги кунда оила аъзолари онгига етказилиши лозим бўлган энг муҳим қонуний ҳужжатдан бири - Никоҳ шартномаси бўлиб, унда эр-хотин ўртасидаги ахлоқий, маънавий, мулкий муносабатларга оид кўрсатмалар бериб ўтилган. Республикализ аҳолисининг 40 фоизини вояга етмаганлар ташкил

қилиши ҳамда ҳар бир оилада ўртача 5-6 нафар фарзандлар борлигини эътиборга оладиган бўлсак, аёллар хуқуқий маданияти ва хуқуқий саводхонлигининг мониторинги тизимини яратиш долзарб эканлиги яна бир бор намоён бўлади. Чунки онаси жиноят содир этган, қаровсиз ва назоратсиз қолган болаларнинг жиноят содир қилиши ҳеч гап эмас.

Аёлларга нисбатан учрайдиган зўравонликларнинг энг кўп шаклларига уларни бирга яшашга, фоҳишалик қилишга мажбурлаш, номусига тегиш, зўравонлик қилиш ва спиртли ичимлик, гиёҳвандлик моддалар истеъмол қилдириш, муентазам хўрлаш ва руҳий таъсир кўрсатиш ҳамда бошқа йўллар билан ўлимга олиб бориш кабилар киради. Тажриба кўрсатадики, бунга оилада бўлиб турадиган узоқ давомли жан-жаллар ҳам сабаб бўлади.

Тадқиқотлардан маълум бўлишига, аёлларга нисбатан зўравонлик жаҳондаги барча мамлакатларга, уларнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий тараққиётидан қатъи назар, мавжуд ҳолат ҳисобланади. Ҳатто энг ривожланган мамлакат-ларда ҳам шундай ҳолатларни кузатиш мумкин. Масалан, Японияда 59 фоиз аёл жисмоний зўравонлик қурбони бўладилар. АҚШда 40 фоиз, Канадада 25 фоиз ва ҳакозо. Социологлар хулосасига кўра, 60 млн. аёл турли шаклдаги камситилиш, таҳқирлаш ва зўравонлик қурбони бўладилар. Африка мамлакатларида (Танзания 60%), Жанубий Осиё (60%), Лотин Америкасида (57%) аёлларга нисбатан зўравонлик кучайиб бораётганлигини кўриш мумкин. Зўравонлик нати-жасида жуда катта иқтисодий зарар кўрилади, аёлларнинг иш жойида меҳнат унумдорлиги камаяди, оиланинг маънавий-ахлоқий томонига, унинг нормал ривожланишига тиклаб бўлмас даражасида зарар етади.<sup>1</sup>

Аёлларнинг ҳак-хуқуqlари давлат худудининг барча қисмларида, хоҳ қишлоқда бўлсин, хоҳ шаҳарда бўлсин бирдай таъминланишни талаб этади. Зеро, қонунчилик актларининг мукаммаллашуви ҳам ҳар бир жамиятнинг инсон хуқуқларига ва айниқса аёл хуқуқларини таъминлашга бўлган хошиш

---

<sup>1</sup> Қаранг:Холиков Д.Р. Хуқуқий маданият олила мустаҳкамлиги асоси. /Масъул мухаррир В.Каримова: Республика “Оила” илмий-амалий маркази. –Тошкент: Фан. 2007. -138 б.

ва интилишларига боғлиқ бўлади.

Маълумки, оиладаги турли носоғлом муносабатлар, жанжал-тўпалон, ичкиликбозлик, қиморбозлик кабилар шахснинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Бу муносабатлар ота-оналар ўртасидаги низолар кўринишида намоён бўлади. Бу муносабатларнинг олди олинмаса, улар ортиб боради. Хулк-атвор нормаларидан четга чикувчи ўсмиirlар айниқса, ёлғиз, ота-оналардан бири ўгай бўлган оилаларга кўпроқ тўғри келади.

Демак, шахснинг ривожланишидага энг муҳим омил - тарбия масаласи. Ёш авлодни тарбиялаш деганда, биз фарзандларни ахлоқан пок, одобли, эстетик бой, жисмонан бақувват қилиб камол топтиришни тушунамиз. Шу билан бирга, ижтимоий тарбия ҳуқуқий ва, умуман, маданий тарбияни ҳам ўз ичига олади. Асосий максад чукур маълумотли, ҳар жихатдан юксак маданиятли ва онгли, жамиятимизнинг актив фуқароларини тайёрлашдир.

## ХУЛОСА

Жамиятда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш фуқароларнинг ҳуқуқий фаоллиги учун сифат жиҳатидан янгича шарт-шароитлар яратиб қолмасдан, шу билан бирга ҳуқуқий тарбия мазмунида, унинг шакл ва усулларида жиддий ўзгаришлар ясашни ҳам тақозо этади. Зеро, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича қабул қилинган Миллий дастурнинг умумий қоидаларида - ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва юксалтириш соҳасидаги давлат сиёсати инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг устуворлиги; Конституция ва қонуннинг устунлиги; демократияга асослан-ганлик; ижтимоий адолат; илмийлик; узлуксизлик; ҳуқуқий тарбиядаги ворислик ҳамда умумийлик; ҳуқуқий ахборот-нинг ҳамма учун очиқлиги; ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий мао-рифнинг бирлиги ҳамда уларга табақалаштирилган ёндашувга алоҳида эътибор қаратилган.

Анашулардан келиб чиқсан холда мазкур малакавий битирув ишимизни қўйидагича хулосалашимиз мумкин.

Биринчидан, ҳуқуқий маданият - умумий маданиятнинг ажralmas таркибий қисми. Инсонлар онгida шундай ишонч қарор топиши керакки, ҳуқуқий билимларга эга бўлган ва уларни амалиётга тадбиқ эта оладиган кишигина маданиятли ва билимли деб ҳисобланиши мумкин.

Иккинчидан, жамият ва давлат тараққиётининг ҳозирги ҳолати ҳуқуқий муносабатлар барча иштирокчиларининг ҳуқуқий маданиятини, ҳуқуқий саводхонлигини ҳар томонлама оширишни талаб қилмоқда. Ҳуқуқий маданият ҳуқуқий билим, ҳуқуқий эътиқод ва изчил амалий фаолият мажмуи сифатида жамият ва давлат олдида турган вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилишини таъминлайди.

Учинчидан, миллий анъаналар ва юксак ахлоқий қадриятларга асососланган янги демократик давлат қуриш соҳасидаги биринчи қадамлардан бошлабоқ, ўзбек халқи «революцион сакрашлар» ва «шок терапияси»ни емирувчи ҳалокатли усуллар сифатида рад этиб, эволюцион,

босқичма-босқич ривожланиш йўлини танлаб олди. Шундай экан, ўз тараққиёт йўлимизнинг принципларига қагъий амал қиласар эканмиз, давлат ва жамият ҳаётини тубдан қайта қуришдан иборат глобал вазифаларни ҳал қилиш олдимизга қўйилган мақсаддарга эришиш йўлида катта қўламга эга бўлган чора-тадбирларни гайрат билан ва изчил суратда амалга оширишни талаб қиласади.

Тўртичидан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов белгилаб берган тараққиёт йўлидан қадамба-қадам, босқичма-босқич, изчил илгарилаб бориш принциплари умуминсоний маданият тарихини чукур таҳлил қилишга ва илмий тафаккур ютуқларига асослангандир. Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳаётни демократлаштириш учун шарт-шароитлар яратиш ва ҳуқуқий давлат асосларини шакллантириш заруриятидан келиб чиқсан ҳолда Миллий дастур қабул қилинди.

Умуман олганда ёшлар ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда ахлоқий институт ҳисобланган – оила, маҳалла, таълим муассасалари ва жамоа билан бир қаторда уларнинг дунёқарашида ахлоқий ғояларни қарор топтириш, бунёдкор ғояларни мустаҳкамлаш, қонун устувлигининг ахлоқий асосларини янада такомиллаштириш муҳим вазифа бўлиб қолаверади.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. Расмий ҳужжатлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. / “Хуқуқий тарбияни яхшилаш, ахлјнинг хуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, хуқуқшунос кадрлар тайёрлаш тизимини такомилаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ҳақида”. “Халқ сўзи” газетаси. 1997 йил, 28 июн.
2. Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш Миллий Даствури /Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Тошкент: “Шарқ”. 1998. -42 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши / “Хотин-қизларни оиладаги, давлат ва жамият қурилишидаги ролини кучайтириш, уларнинг хуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича 1999 йилга мўлжалланган тадбирларнинг йилга мўлжалланган тадбирларнинг давлат дастури тўғрисида”. “Халқ сўзи” газетаси. 1998 йил, 10-декабр.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. / “Хотин-қизларни оиладаги, давлат ва жамият қурилишидаги ролини кучайтириш, уларнинг хуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича 1999 йилга мўлжалланган тадбирларнинг йилга мўлжалланган тадбирларнинг давлат дастури тўғрисида”. “Халқ сўзи” газетаси. 1999 йил, 19 февраль.
5. Ўзбекистон Республикаси шаҳар ва қишлоқ аёлларида хуқуқий маданиятни шакллантиришнинг комплекс дастури. –Тошкент: Ўзбекистон. 1999.
6. Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августдаги 466-1-сонли Қарорига биноан тасдикланган “Жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш миллий Даствури”.
7. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёт матбаа-ижодий уйи. 2008. -10 б.

### **II. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов асрлари:**

8. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. –Тошкент: Ўзбекистон. 1996. –334 б.
9. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Тошкент: Ўзбекистон. 1999. –31 б.
10. Каримов И.А. Ўзбекистон – буюк келажак сари. –Тошкент: Ўзбекистон. 2001. -25 б.
11. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият. 2008.

12.Каримов И.А. Энг асосий мезон ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. – Тошкент: Ўзбекистон. 2009.

### **III. Китоблар, рисолалар, монографиялар, тўпламлар:**

- 13.Абдулла Шер. Ахлоқшунослик. –Тошкент: Янги аср авлоди. 2003.
- 14.Абдулла Шер, Баҳодир Ҳусанов. Ахлоқ фалсафаси. Нафосат фалсафаси. /Маъruzалар матни. Тошкент: ЎзМУ. 2009.
- 15.Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. 2 томлик. –Тошкент: Маънаият. 1998. Т.1. -52 б.
- 16.Аёлга эҳтиром. Тўплам. –Тошкент: Ўзбекистон. 1999. -320 б.
- 17.Абдуллаев М., Умаров Э., Очилдиев А. Маданиятшунослик. Т., “Турон-икбол”. 2006.
- 18.Аюбов Т. Никоҳ ва ёшлар. Т., Ўзбекистон. 1977. 22 б.
- 19.Абзалов Э.М. Правовая культура и правонарушение молодёжи. – Ташкент: МВД Руз. 1997;
- 20.Аюбов Т. Никоҳ, қонун ва ахлоқ. Т., Фан. 1979. 124 б.
- 21.Исломов З. Из истории теорий политикио-правовых реформ. –Ташкент. 1999;
- 22.Исломов З. Общество. Государство. Право. В 2-т.х. –Ташкент: Адолат. 1998. Т.2. –С.24-28.
- 23.Каримова О. Ҳуқуқий тарбия методикаси. –Тошкент: ТДПУ. 2000;
- 24.Маврулов А. Маданият тарихи /Ўқув қўлланма. Т., Ўқитувчи. 2007. 136 б.
- 25.Муҳамедов Р. Аёллар ҳуқуки – қонун ҳимоясида. Т., Қонун ҳимоясида. 1999. 94 б.
- 26.Муҳамедов Р. Бола тарбиясининг ҳуқуқий масалалари. Т., Ўзбекистон. 1983. 79 б.
- 27.Маҳмудов Р. Ҳуқуқ ва маданият. –Тошкент: Ўзбекистон. 1994.
- 28.Никитин А.Ф. Что такая правовая культура? –М.: Просвещение. 1998. – С.23-26.
- 29.Пўлатова Е ва бошқалар. Инсонийлик ва инсон ҳуқуқлари. Т., Адолат. 1999. 112 б.
- 30.Станислав Е. Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқи тўғрисида. Т., Адолат. 1998. 64 б.
- 31.Тожиҳонов У. Ўзбекситонда мустақил давлатчиликнинг ҳуқуқий-маънавий муаммолари.-Тошкент: ЎзР ИИВ Академияси. 1996. –Б.111-112.
- 32.Таджиханов У., Сайдов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. –Тошкент: Т.2. ЎзР ИИВ Академияси. 1998. –Б.181-182.
- 33.Эгамшаев Т. Маънавият ва баркамол авлод тарбияси. Наманган., Наманган. 2005. 53 б.
- 34.Юридик энциклопедия. Т., Шарқ. 2001. 656 б.
- 35.Ҳизмат маданияти ва маънавий қиёфа. Т., Шарқ. 1999. 47 б.

- 36.Хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни шакллантириш давр талаби /Услубий қўлланма. Фарғона. 2007. 64 б.
- 37.Халилов Э. Ижтимоий турмушда ҳуқуқий онгнинг ўрни. –Тошкент: Ўзбекистон. 1999;
- 38.Холиков Д.Р. Ҳуқуқий маданият – оила мустаҳкамлигининг асоси. – Тошкент: Фан. 2007. -13 б.
- 39.Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султоний. –Тошкент: Маънавият. 1996. -26 б.

**IV. Диссертация ва авторефератлар:**

- 40.Абзалов Э.М. Проблемы формирования правовой культуры молодёжи. Автореф. канд. юрид. Наук. –Ташкент. 2000.
- 41.Турдибаева Р.Э. Талаба-ёшларда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш муаммолари: Афтореф. дис. ... юрид.фан.ном. -Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти. 2000.

**Y. Журнал мақолалари:**

- 42.Турдибоева Р. Ҳуқуқий маданият ва ёшлар. // Ҳуқуқ-Право. 1998. №4. – Б. 18-21
- 43.Шарипов А. Ёшларнинг ҳуқуқий маданияти //Ҳуқуқ -Право. 1998. №4. Б-Б. 16-19.
- 44.Махмудов Рўзимат. Ҳуқуқий маданият - инсон зийнати // Мулоқот. 1997, №5. Б.7.